

# Pedagogika va psixologiya

**5110900** - *Педагогика ва психология* - умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог-психолог, педагогика ва психология бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

## **5110900 – Педагогика ва психология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи**

### **4.1 Бакалаврнинг касбий фаолият соҳаси**

**5110900 – Педагогика ва психология** – умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог-психолог, педагогика ва психология бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

### **4.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари**

**5110900 – Педагогика ва психология** таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўқувчилар, ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари, педагогик-психологик тадқиқот методлари.

### **4.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари**

**5110900 – Педагогика ва психология** таълим йўналиши бўйича бакалавр ўз педагогик-психологик, касбий тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбга оид фаолият турлари:

- педагог-психолог;
- ўқитувчилик;
- тарбиячилик;
- ўқув-методик;
- илмий-тадқиқот.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

#### 4.4 Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари

**5110900 – Педагогика ва психология** таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва махсус тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни ечиши керак:

– **педагог-психолог**: умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида педагог-психолог ва ижтимоий педагог бўлиб ишлаш;

- **ўқитувчилик**: академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида педагогика ва психология ўқитувчиси бўлиб ишлаш;

- **тарбиячилик**: умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

- **ўқув-методик**: мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

**илмий-тадқиқот** муассасаларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш ва бошқалар.